

Текшириш жараёнида шу нарсa маълум булдики 6 та намунамиздан 5-рақамли намунамиздаги колбаса махсулотининг сақланиш ҳолати бузилганлиги сабабли унинг сифати бузилганлигини аниқладик.

Хулосалар.

1. Самарканд вилояти ҳудудида ишлаб чиқарилаётган колбаса ва дудланган махсулотларнинг айримлари стандарт талабга жавоб бермаслиги биз томонимиздан утказилган текширишларда аниқланди.

2. Хар турдаги колбаса ва дудланган махсулотларни ишлаб чиқаришда энг аввало колбаса учун ишлатиладиган хом ашёнинг сифати тулиғича лаборатория усулида текширилиши талаб этилади.

ҚЎЙЛАРНИ СТРОНГИЛЯТОЗЛАРИНИ ДАВОЛАШДА БЕНДАЗНИ ҚЎЛЛАШ

**Ж.М.Сатторов – магистратура талабаси,
Т.И.Тайлоқов – илмий раҳбар, доцент**

Кириш. Қўйчилик Республикамиз чорвачилигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Айниқса ҳозирги гўшт махсулотларининг танқислиги даврида қўйчиликни ривожлантириш бироз бўлсада мавжуд муаммоларни енгиллаштиради.

Кўп йиллик илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики стронгиятоз касалликлар қўйчилик хўжаликларига катта иқтисодий зарар келтиради. Касаллик даврида қўйларнинг физиологик хусусиятлари пасаяди, дармонсизланади, овқат ҳазм қилиш органлар системасининг иши издан чиқади, хайвоннинг ичи ўтади ёки қотади, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади, ориқлайди, шиллиқ пардалари оқаради. Касаллик охирида хайвонлар узоқ ётади ва бутунлай дармонсизланади, натижада қони камайиб, эритроцидларнинг чўкиш реакцияси тезлашади.

Агар касаллик кучаймасдан олдин хайвонлар тўйимли ва сифатли озиқалар билан таъминланиб, яхши парвариш қилинса, даволаш йўли билан стронгиятозлардан тозаланса мол тезда тузалиб кетади. Акс ҳолда ўта ориқлаш ва қонсизланиш оқибатида, қиш ва баҳор мавсумларида 80% гача қўйлар нобуд бўлиши мумкин

Кейинги йилларда қўйлар орасида стронгиятоз касалликлар сезиларли даражада ўсганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Стронгиятоз касалликлар Республикамизнинг барча минтақаларида кенг тарқалган, кўпроқ ёш моллар орасида йил давомида учрайди.

Қўйлар гельминтозларининг бу тарзда кўплаб тарқалиб кетиши Республикамизнинг қўйчилик тармоғини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, қўйларнинг махсулдорлигини пасайиши, оғир инвазияланган қўйларнинг нобуд бўлиши, жун махсулдорлигининг камайишига, қўзи олиш кўрсаткичларини пасайиши, махсулот бирлигига. Ем-хашак сарфининг ортиши каби масалалар натижасида келиб чиқаётган зарарлар фикримиз далилидир.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда бизлар айрим дориларни ишлаб чиқариш шароитида стронгиятоз касаллиги билан зарарланган қўйларда синовдан ўтказдик.

Тадқиқот ҳажми ва усуллари: Илмий тадқиқот ишлари Нуробод тумани Ўзбекистон ширкат хўжалиги қўйларида олиб борилди. Тадқиқот ўтказиш учун табиий зарарланган 20 бош қўй ажратиб олиниб аналог қоидаларига асосланиб 10 бошдан 2 гуруҳга бўлинди.

Биринчи гуруҳ тажриба гуруҳи ҳисобланиб бу қўйларга Бендаз (Таркиби 10 % ли - албендазол, Ҳиндистон махсулоти) алтгелминтигидан 10 кг тана оғирлигига 1 мл микдорига оғиз орқали эрталаб оч қоринга ичирилди. Антгелминтик дориси берилгандан сўнг икки соат ўтгач қўйлар озиқлантирилди.

Иккинчи гуруҳ қўйлар, назорат гуруҳи ҳисобланиб ҳеч қандай антгельминтик дори воситалари берилмади. Кунлик рацион асосида озиқлантириб борилди.

Антгельминтик дори воситалари берилгандан сўнг 24-48 соатларда тажрибадаги хайвонлардан тезак намуналари олиниб гельминтокопрология текширув усулларида Фюллеборн ва Дарлинг усулларида текширилди.

Тадқиқот натижалари: Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики тажриба гуруҳидаги кўйлардан тажриба бошида тезак намуналари олиниб гельминтокопрологик текширув усуллари ёрдамида инвазия интенсивлиги аниқланганда маршаллагия авлоди вакиллари 30,6 нусхани, Гемонхус авлоди вакиллари 28,3 нусха, трихотронгилус авлоди вакиллари 31,4 нусха, Немотодирус авлоди вакиллари 30,2 нусха, Хабертия авлоди вакиллари 26,6 нусхани ташкил этган бўлса бендаз суспензияси берилгандан сўнг 24 соат ўтгач Маршаллагия авлоди вакиллари 10,2 нусхани, Гемонхус авлоди вакиллари 9,8 нусха, Немотодирус авлоди вакиллари 11,6 нусха, Хабертия авлоди вакиллари 8,2 нусхани ташкил этди. 48 соат ўтгандан сўнг текшириш натижаларида маршаллагия, гемонхус, трихостонгилус, нематодирус ва хабертия тухумлари топилмади.

Назорат гуруҳидаги текшириш натижалари шуни кўрсатдики инвазия интенсивлиги ўзгаришсиз қолганлигини гувоҳи бўлди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки Бендаз суспензияси стронгилятозларни даволашда 100 % самара беради.

Ўқув тажриба хўжалиги давлат унитар корхонасида парваришланаётган бузоқларнинг баъзи кўрсаткичлари

**Ғ.О.Қўзибоев, З.Мамадалиева – талаба,
Ш.Қ.Амиров – илмий раҳбар, доцент**

Аҳолини чорвачилик, яъни сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кондиринишда қорамолчилик тармоғи муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат бўйича ҳозирги кунда қорамолларнинг бош сони 11 миллион бошга яқинлашиб, шундан қарийб 5 миллион бошини сигирлар ташкил этади. Республикамизда етиштирилаётган жами гўшт салмоғида қорамол гўшти 64 % ни ташкил этса, сут салмоғида эса 99 % сигирлардан соғиб олинмоқда. Бу кўрсаткичлар, қорамолчилик тармоғининг муҳимлигидан яна бир далолатдир. Шундай экан соҳага эътибор қаратиш, ундан етиштирилаётган маҳсулотларнинг миқдорини ошириш билан сифатини яхшилаш ҳар бир зоотехник мутахассиснинг бурчи ҳисобланади. Қорамолчиликдан олинадиган маҳсулотлар ичида биринчи ўринни сут маҳсулоти эгалласада, уларнинг гўшт маҳсулдорлигини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Гўшт маҳсулдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири бу, хайвонларнинг тирик вазни ҳисобланади. Бундан ташқари подани тўлдиришга мўлжалланган ёш қорамоллардан подани такрор ишлаб чиқаришда фойдаланишда уларни тирик вазни муҳим саналади. Бунинг учун подани тўлдирувчи ёш қорамолларни ўстиришни зоотехникавий меъёрлар асосида ташкил эта билиш керак.

Ёш қорамолларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ўрганишда ҳам қорамолларнинг тирик вазн кўрсаткичи асос қилиб олинади. Ҳар бир қорамол зоти учун тирик вазн кўрсаткичига давлат стандарти белгиланган.

Шу боис, биз ўқув тажриба хўжалиги давлат унитар корхонасида урчитилаётган бузоқларнинг тирик вазнини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Тирик вазнини аниқлашни бир неча усуллари билан биз, сут қорамолчилиги, гўшт қорамолчилиги каби фанлардан бўлиб ўтган амалий машғулотларда танишган эдик. Ушбу дарслардан олган назарий билимларни амалиётга боғлаб ўрганишга ва синаб кўришга ҳаракат қилдик. Ёш бузоқларнинг тирик вазнини аниқлашда Фровейн таклиф этган усулдан фойдаландик. Ушбу усулда ўлчов лентаси ёрдамида бузоқлардан курак орти кўкрак айланаси ҳамда гавдасининг қия узунлиги каби ўлчамлар олдик. Бу усул хайвонлардан олинадиган тана ўлчамлари билан тирик вазннинг ўртасида маълум боғлиқлик борлигига асосланган.